



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20 16 у.г «16» июл

№ 2319-г

Иштихон ш.-г.Иштихан

Иштихон тумани Митан шаҳарчаси А.Навоий кўчасидан фуқаро Бобоев Рустамга “Автомобиллар тўхташ жойи” ташкил этиш учун ер майдони ажратилган тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари чора-тадбирлари тўғрисида”ги, қарорни ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомасига асосан, фуқаро Бобоев Рустамнинг танлов ғолиби деб эътироф этилган баённомани, Давархитектқурилиш кўмитасининг Регламентига асосан “Автомобиллар тўхташ жойи” ташкил этиш учун объектни жойлаштириш бўйича “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институтидан олинган 2016 йил 22-январдаги 1-10/297-сонли ижобий хулосасини, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 8-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомаси, Давархитектқурилиш кўмитасининг Регламентига асосан “Автомобиллар тўхташ жойи” ташкил этиш учун объектни жойлаштириш бўйича “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институтидан олинган 2016 йил 22-январдаги 1-10/297-сонли ижобий хулосаси, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 8-сонли далолатномаси маълумот учун қабул қилинсин
2. иштихон тумани Митан шаҳарчаси А.Навоий кўчаси ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонидан фуқаро Бобоев Рустамга “Автомобиллар тўхташ жойи” ташкил этиш учун 700.0 (етти юз) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Бобоев Рустамга ажратилган ер майдонида “Автомобиллар тўхташ жойи” ташкил этиш бўйича белгиланган тартибда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидан давлат экологик экспертиза хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Ҳалилов)га туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, “Автомобиллар тўхташ жойи” ташкил этишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат қорхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов